Султоншох Махмуд, Жалолиддин Махмуд Султоншох
(? – 1193-йил, 19-сентябр)
(1172-1193)

Ануштегинийлар сулоласидан бўлган Хоразмшохлар давлати шахзодаси. Эларслон ва Туркон хотуннинг кенжа ўгли. Султоншохнинг акаси Такаш Жанд вилоятида волий бўлиб тургани учун отаси ўлими олдидан Султоншохни валиахд этиб тайинлаган. Аммо, давлат ва харбий ишларга унинг онаси Туркон хотун бош бўлган. Такаш Султоншохга бўйсунишдан бош тортган, у корахитойлар ёрдамида Гурганжга кўшин тортган. Султоншох онаси билан Нишопурга кочиб бориб, Муаййид ад-давла Ой-Або хузуридан панох топган.
1172-йил 11-декабрда Такаш расман Хоразм тахтига ўтирган, бирок Султоншох билан Такаш ўртасидаги кураш яна 20 йил давом этган. Султоншох Хуросондаги бир канча вилоят, шахарларни эгаллаб, Марв шахрини ўзига кароргох килган. У Такашга карши курашда гох корахитойлардан, гох курийлардан кўмак олиб турган.